

САНОАТ


Республика саноат корхоналарида таркибий ўзгаришларни амалга ошириш ҳамда ишлаб чиқариш қувватларини техник ва технологик жихатдан янгилаш жараёнларининг жадаллашиши натижасида 2017 йилнинг январь–сентябрь ойларида 99 060,5 млрд. сўмлик саноат маҳсулотлари ишлаб чиқарилиши таъминланиб, ўсиш суръати 2016 йилнинг тегишли даврига нисбатан 105,6 фоизни ташкил этди.

Ўз навбатида, ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техник ва технологик жихатдан қайта жиҳозлаш натижасида меҳнат унумдорлиги ўтган йилнинг январь–сентябрь ойларига нисбатан 3,9 фоизга ошди. Саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш индекси эса 104,1 фоизни ташкил қилди.

Шунингдек, саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш таркибида кўпроқ қайта ишлаш саноатига тўғри келиб, унинг улуши 79,0 фоизни ташкил этди (2016 йилнинг январь–сентябр ойларига нисбатан ўсиш суръати 105,1 фоиз). Тоғ–кон саноати ва очиқ конларни ишлаш улуши 11,7 фоизни (ўсиш суръати 108,4 фоиз), электр, газ, буғ билан таъминлаш ва ҳавони кондициялаш улуши 8,6 фоизни (ўсиш суръати 107,2 фоиз), сув билан таъминлаш, канализация тизими, чиқиндиларни йиғиш ва утилизация қилиш улуши 0,7 фоизни (ўсиш суръати 109,9 фоиз) ташкил қилди.

Иқтисодий фаолият турлари бўйича саноат маҳсулотларини ишлаб чиқариш таркиби

(жами саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмига нисбатан фоизда)



- Тоғ-кон саноати ва очиқ конларни ишлаш
- Қайта ишлаш саноати
- Электр, газ, буғ билан таъминлаш ва ҳавони кондициялаш
- Сув билан таъминлаш, канализация тизими, чиқиндиларни йиғиш ва утилизация қилиш

Хусусий тадбиркорликни ривожлантиришни кўллаб–қувватлаш ва рағбатлантиришга қаратилган чора–тадбирларни амалга оширилиши, кичик бизнес томонидан sanoat маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмини 2016 йилнинг январь–сентябрь ойларига нисбатан 0,4 фоизга ошишини таъминлади. Агарда жами sanoatда кичик бизнеснинг улуши 41,2 фоизни ташкил этган бўлса, қайта ишлаш sanoatида унинг улуши 51,0 фоизни ташкил этди.

**Иқтисодий фаолият турлари бўйича
sanoat маҳсулотларини ишлаб чиқариш
(2017 йилнинг январь–сентябрь ҳолатига)**

	Млрд.сўм	2016 йил январь- сентябрга нисбатан фоизда
Ишлаб чиқарилган sanoat маҳсулотлари ҳажми	99 060,5	105,6
Тоғ–кон sanoati ва очиқ конларни ишлаш	11 550,2	108,4
улардан:		
кўмир, лигнит, нефть ва табиий газ қазиб олиш	6 812,2	112,3
металл рудаларини қазиб олиш	3 674,0	101,8
тоғ–кон sanoati билан боғлиқ бошқа фаолият	668,7	114,1
Қайта ишлаш sanoati	78 259,9	105,1
ундан:		
озик–овқат маҳсулотлари, ичимликлар ва тамаки маҳсулотларини ишлаб чиқариш	21 238,5	98,2
тўқимачилик маҳсулотлари, кийим ва тери маҳсулотларини ишлаб чиқариш	14 650,5	99,4
машина ва ускуналарни ишлаб чиқариш, таъмирлаш ва ўрнатиш, автотранспорт воситалари, трейлерлар ва ярим прицеплар ва бошқа тайёр металл буюмлар ишлаб чиқариш	12 355,1	139,2

Давоми

	Млрд.сўм	2016 йил январь- сентябрга нисбатан фоизда
ёғоч ва пўкак буюмлар, поҳол ва тўқиш учун материаллардан буюмлар, қоғоз ва қоғоз маҳсулотлари, мебел ишлаб чиқариш	2 207,4	101,3
ёзилган материалларни нашр қилиш ва акс эттириш	904,2	134,8
кокс ва нефтни қайта ишлаш маҳсулотлари ишлаб чиқариш	2 663,4	101,4
кимё маҳсулотлари, резина ва пластмасса буюмлар ишлаб чиқариш	8 724,6	98,2
асосий фармацевтика маҳсулотлари ва препаратларини ишлаб чиқариш	1 160,3	117,3
бошқа нометалл минерал маҳсулотлар ишлаб чиқариш	5 140,7	108,0
металлургия саноати	7 847,7	104,5
Электр, газ, буғ билан таъминлаш ва ҳавони кондициялаш	8 529,7	107,2
Сув билан таъминлаш, канализация tizими, чиқиндиларни йиғиш ва утилизация қилиш	720,7	109,9

Тайёр маҳсулотлар, бутловчи қисмлар ва материаллар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш Дастурининг амалга оширилиши, республика саноат маҳсулотлари ишлаб чиқаришининг ривожланишига ўз таъсирини кўрсатди, мазкур дастур доирасида 2017 йилнинг январь–сентябрь ойларида 5,8 трлн. сўмлик маҳаллийлаштирилган маҳсулотлар ишлаб чиқарилиб, 350,9 млн. АҚШ доллари миқдорида маҳсулотлар экспорт қилинди ва 2169 та янги иш ўринлари яратилди.

Тайёр маҳсулотлар, бутловчи қисмлар ва материаллар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш Дастурининг асосий кўрсаткичлари

	<i>2016 й. январь–сентябрь</i>	<i>2017 й. январь–сентябрь</i>
Лойиҳалар сони, <i>бирлик</i>	663	750
Корхоналар сони, <i>бирлик</i>	308	325
Ишлаб чиқариш ҳажми, <i>млрд.сўм</i>	4 091,7	5 781,1
Экспортга қилинган маҳаллийлаштирилган маҳсулот ҳажми, <i>млн. АҚШ долл.</i>	323,6	350,9
Яратилган янги иш ўринлари, <i>бирлик</i>	1269	2169

Тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқаришини рағбатлантириш ва турларини кенгайтириш натижасида истеъмол товарлари ишлаб чиқариш 2016 йилнинг январь-сентябр ойларига нисбатан 105,0 фоизга ва жами саноат ишлаб чиқариш ҳажмидаги улушини эса ўтган йилнинг мос давридаги 39,8, фоиздан 41,5 фоизга ўсишини таъминлади.

Истеъмол товарлари ишлаб чиқариш таркиби

(жами истеъмол товарлари ишлаб чиқариш ҳажмига нисбатан фоизда)

